

---

## THE MAMLUK PERIOD (1250-1517) IN THE EYES OF WESTERN TOURISTS

### МАМЛУКЛАР ДАВРИ (1250-1517) ҒАРБ САЙЁҲЛАРИ НИГОҲИДА

**Zukhra Aripova**

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,

doctor of Philosophy (Phd), docent of the department

“Al-Azhar department of Arabic language and literature”

[z.aripova@iiu.uz](mailto:z.aripova@iiu.uz)

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

#### **Аннотация.**

Маълумки, Миср ва унинг қўхна ёдгорликлари, тарихи қадимдан нафақат сайёҳларни, балки кўпгина илмга қизиқувчиларни ҳам ўзига жалб қилган. Ушбу мақолада ўрта асрларда Мисрда ҳукмронлик қилган мамлуклар даврида у ерга ташриф буюрган ғарб сайёҳларидан Перо Тафур, Эммануэль «Манноли» Пилоти, Ганс Шильтбергер, Жон Мандевиль, Раббан Саума, Бускарелло де Гизольфи кабиларнинг бу даврга муносабатлари таҳлили берилган.

#### **Калит сўзлар:**

Миср, сайёҳ, солибчилар, мамлук, султон, ҳукмдор, Ғарб, тарих.

#### **ABSTRACT.**

It is known that Egypt and its ancient monuments, its history from ancient times attracted not only tourists, but also many people interested in science. This article analyzes the attitudes of Pero Tafur, Emmanuel Mannoli Pilot, Hans Schiltberger, John Mandeville, Rabban Saouma, Buscarello de Ghisolfi towards Western tourists who visited Egypt during the Mamluk period, who ruled Egypt in the Middle Ages.

#### **Keywords:**

Egypt, tourist, crusader, mamluk, sultan, ruler, West, history.

Маълумки, Миср ва унинг қўхна ёдгорликлари, тарихи қадимдан нафақат сайёҳларни, балки кўпгина илмга қизиқувчиларни ҳам ўзига жалб қилган.

Ўрта асрларда Миср ва Фаластинга саёҳат қилган европалик саёҳатчилар маълумотлари, айниқса Миср билан боғлиқ бўлимлар жуда самарали бўлган. Ўрта аср Ғарб сайёҳлари ва олимларни оддий куллардан чиққан лашкарбоши мамлуклар ҳукмронлиги ҳақидаги маълумотлар хайратга солган. Испаниялик сайёҳ Кастилия Перо Тафур (таҳминан 1410- 1484)нинг денгиз саёҳати 1436 йил ноябридан 1439 йил майгача бўлиб ўтди ва ўша давр учун ниҳоятда кенг ҳудудларни қамраб олди. Йўлда Марокаш, Флоренция, Венеция, Кипр, Миср, Ливан, Византия, Швейцария, Австрия, Венгрия, Сицилия (Арагон) каби шаҳарларда бўлган. У Мисрда Султон Барсбай даврида (1422-38) ташриф буюрган бўлиб, насроний савдогарлари томонидан Мисрда олиб келинган болаларни нақд пулга сотиб юборилгач, янги сотиб олинган кулларни ислом динига киргизиб, уларга ислом дини таълимотлари ва ҳарбий санъати ўргатилишини шоҳиди бўлгани ҳақида ҳикоя қилиб берган. Фақат уларнинг сафларидан султон ёки амир етишиб чиқиши мумкинлиги ғарб саёҳатчиларида қизиқиш уйғотган.[1, Р.99; 2, Р.11 ] .Лекин XV аср бошларида кўп йиллар давомида Мисрда яшаган

венечиялик Эммануэль «Манноли» Пилоти (в.1438) куллика сотиб олинган мамлуклар, Аллох уларга бу ерни бошқариш учун қилич ва куч берганини даъво қилаётганини айтади.[2, P.12] Мюнхенлик Ганс Шильтбергер Султон Фараж (1402-1412) ҳукмронлиги даврида Мисрга ташриф буюрган бўлиб, у Қоҳирадаги тассуротларини ёза туриб мамлук султонларини “агар қул сифатида сотиб олиниб, қоида бўйича озод қилинмаган бўлса, у Султон даражасига кўтарилиши амри маҳол эди” – деб ёзган. [3, P.87]

"Биринчи буюк инглиз саёхатчиси" ва "инглиз насрининг отаси" номи билан танилган Жон Мандевиль 1322 -1356 йилларда Туркия, Арманистон, Форс, Сурия, Арабистон, Миср, Фаластин, Ливия, Эфиопия, Месопотамия, Ҳиндистонга сафар қилган. Мисрда Жон “белгиялик шифокор” сифатида танилган. Унинг Қоҳирадаги Миср султони саройида бўлиши, унинг асарлари тадқиқотчилари томонидан ўрганилиб, энциклопедиялар саҳифаларида қайд этилган. Мандевиль ан-Носир Қаловун даврида саройида бўлиб, у ерда Султон ан-Носир ҳомийлиги остида ўзининг “Ал-мухтасар фи ахбор ал-башар” [4, P.223]асарини ёзиш жараёнида бўлган географ, тарихчи, усул ад-дин, мувашшах, файласуф, табиб Абу ал- Фидо билан учрашган. [5, P.396; 6, P.18; 7, P.83; 8, 9, P.7; 10, P.202 ]

Сайёҳлар орасида мамлукларнинг салибчиларга қарши курашда мағлубиятга учрашлари учун фитналар уюштиришда иштирок этган саёхатчилар ҳам бўлган. Бундай сайёҳлардан бири Мўғулистон пойтахти Ханбаликда насроний руҳонийси оиласида туғилган Раббан Саумадир. У тахминан 1278 йил ўз шогирди Марк билан бирга Қуддусга борган. Бу орада 1284 йилда тахтга ўтирган Аргун Хон Сурияда мамлукларга қарши биргаликда ҳаракат қилиш мақсадида Папа ва Европанинг христиан ҳукмдорлари билан иттифоқ тузишга қарор қилади. У Европадаги элчихоналар учун христианларга муҳтож бўлгани сабабли, Раббан Сауманинг шогирди Марк Ябалаха III номи билан янги сайланган патриархнинг маслаҳати билан Римдаги элчиси сифатида кекса уйғур Раббан Саумани танлайди. Унинг вазифаси салибчилар билан бирлашиб, мамлукларга қарши курашиш бўйича келишувларга эришишдан иборат эди.[11]

Бускарелло де Гизольфи XIII аср охири —XIV аср бошларида Хулагуийлар давлатининг мўғул илҳонийларига хизмат қилган савдогар, дипломати бўлиб, у Генуя республикасининг денгиз савдосида муҳим роль ўйнаган кучли Гизольфи оиласига мансуб эди. Бускарелло Марко Поло, Изол Пизанец и Томмазо Анфосси каби ўша пайтдаги мўғул ҳукмдорлари хизматида бўлган кўплаб европаликлардан бири бўлиб, мўғул ҳукмдори Аргун хизматида (1284—1291) бўлган пайтида, 1289 йил ноябрь ёки декабрь ойида Француз қироли Филипп IVга уни Миср султонига қарши ҳарбий кампанияда (1290 йил охири - 1291 йил бошларида) ҳамкорлик қилишга таклиф этган хатни юборди. 1290 йил қишда Аргун Дамашқ яқинида қароргоҳ қуришни ва иттифоқчиларни кутишни режалаштирди. элчи Раббан Саума етказган (1287-1288) мактубига жавобни Франция қироли Бускареллога топширган. 1290 йил 5 январда Бускарелло Лондонга келди ва у ерда Аргундан инглиз қироли Эдвард I га хабар юборди. Қирол юриш қилишни бошлаш вақти аниқ бўлганида, Илҳонни хабардор қилишга ваъда беради. [11]

Маълумотлардан кўриниб турибдики, мўғуллар европаликлар билан бирлашиб, мамлукларга қарши жанг қилишга ҳаракат қилишган. Лекин уларнинг Мисрни бўйсундириш ҳақидаги истаклари амалга ошмаган. Салиб юришларини ҳар томонлама очиб берилиши бўйича маълумотларни олти жилддан иборат “A History of the Crusades: The fourteenth and fifteenth centuries” (Салиб юришлари тарихи: XIV-XV асрлар) асаридан топиш мумкин. Беш аср давом этган салиб юришлари тарихига бағишланган бу китоб яҳудий, мусулмон ва христиан нуқтаи назарини ўз ичига олган, ўрта асрлар дунё мамлакатлари тарихи, сиёсати, иқтисодиёти ва маданияти ҳақида кўплаб маълумотлар ва таҳлиллар тақдим этилган. [12, P.813]

Шундай қилиб, мамлуклар даври турли хил ўша давр сайёҳлари, ундан кейинги давр ғарб тарихчилари асарларида ёритилган, уларнинг баъзилари тегишли таҳлилдан ўтган. Аммо таҳлилдан сўнг, турли мамлакатлар кутубхоналари ва архивларида сақланадиган ушбу асарлар баъзи ҳолларда мамлук султонлари даврини холисона ёритилмагани маълум бўлди. Тадқиқот мавзуси ниҳоятда кенг, ранг-баранг бўлиб, у зарурий материалларни тўплаш учун алоҳида эътибор ва машаққатли меҳнатни талаб қилади.

## References

1. Emmanuel Piloti. L'Egypte au commencement du quinzième siècle d'après le traité d'Emmanuel Piloti de Crète. Incipit 1420. ed. Pierre Herman Dopp. Cairo, 1950. 108-9. – P.99;
2. Ulrich Haarmann. In the eyes of western travelers: A review article / Mamluk studies review. – Vol.5. – 2001. – P. 11-20
3. Johannes Schiltberger. Hans Schiltbergers Reise in die Heidenchaft: Was ein bayerliches Edelmann von 1394 bis 1427 als Gefangener der Türken und Mongolen in Kleinasien, Ägypten, Turkestan, der Krim und dem Kaukasus erlebte. adapted by Rose Grässel. Hamburg, 1947. – P. 87.
4. Ismoil Ibn Ali Abu al-Fido. Kitob al-muxtasar fi Axbar al-bashar.
5. Aripova, Z. (2020). Sufi Motives in the Literature of the Egyptian Period. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(2).
6. Aripova, Z. (2020). THE LIFE AND STATUS OF WOMEN IN SOCIETY during the MAMLUK PERIOD. The Light of Islam, 2020(2), 18-22.
7. Aripova Miss, Z. (2020). STRUCTURE FORMATION MAMLUK SALTANATE IN EGYPT. The Light of Islam, 2020(1), 82-88.
8. Арипова, З. Д. (2019). «АРАБ ТИЛИДА СУРОҚ ГАПЛАР» МАВЗУСИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. Современное образование (Узбекистан), (1 (74)).
9. Арипова, З. (2020). МИСРДА МАМЛУКЛАР ДАВРИ (1250-1517) АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ҲОМИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ. Ўтмишга назар журнали, 8(3).
10. Aripova, Z. D. (2019). Mamluk sultans in Egypt and Abbasid caliphs in Cairo. ISJ Theoretical & Applied Science, 10(78), 201-205.
11. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
12. A History of the Crusades: The fourteenth and fifteenth centuries / Edited by H. W. Hazard an K. M. Setton. — University of Wisconsin Press, 1975. — P.813